



гапираётганини эса фаҳмлаб бўлмас эди. Ниҳоят яқин келди. Билсак, Ислом ҳақида сўраётган экан. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир кеча ва кундузда беш вақт намоз»**, дедилар.

У киши: «Зиммамда бундан бошқа нарса борми?» деб сўради. Расулуллоҳ: **«Йўқ, лекин ўз ихтиёринг билан қилишинг (мумкин)»**, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Рамазон рўзасини тутиш»**.

У киши сўради: «Зиммамда бундан бошқа нарса ҳам борми?» Расулуллоҳ дедилар: **«Йўқ, лекин ўз ихтиёринг билан қилишинг (мумкин)»**. Пайғамбар алайҳиссалом закотни айтдилар.

У киши яна сўради: «Зиммамда бундан бошқа нарса ҳам борми?»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ, лекин ўз ихтиёринг билан қилишинг (мумкин)»**, дедилар.

Шунда бояги одам: «Аллоҳга қасамки, бунга зиёда ҳам қилмайман, камайтирмайман ҳам», деб ортига бурилиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар айтганига амал қилса, у нажот топибди»**, дедилар».

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*

**«Рўза аҳлига Рамазон тухфаси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 31 мартдаги 2156-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.